БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

8-йил чиқиши

№ 90 (1868)

6 МАЙ ШАНБА 1961 ЙИЛ

БАҲОСИ 2 ТИЙИН

АГРОНОМ

Инженер — сиз уни тунларини бедор ўтказиб, чергёж чизаётганда, эзгу ният билан эртаги куннинг ёрқин режаларини тузаётганда, ўз корхонаси, коллективи обрў-эътиборини кўтариш борасида фикр юритаётганида учратасиз. У ҳали қудратли дастгоҳлар ёнида, ҳали бугун кечагидан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш учун ғайрат камарини белига боғлаган азамат кишилар орасида пайдо бўлади. Яқин дўст, маслаҳатгўй, йўл-йўриқни тўғри кўрсатувчи инженер: иш сифатли бўлсин, бракка йўл қўйилмасин, дастгоҳлар бир меёрда ишласин деб, ўз олдига олижаноб мақсад қўяди. Чунки у корхона ишлаб чиқаришида камчиликларга йўл қўйилса директор, партком қатори ўзи ҳам жавобгар эканлигини, эришилаётган ютуқлар эса улкан коллектив билан бирга ўзиники ҳам эканлигини чуқур ҳис қилади.

Колхоз ва совхозларимиздаги агрономлар ҳам худди инженер сингари ишга жонкуйр, талабчан, ўз ҳуқуқидан тўғри фойдалана биладиган киши бўлиши, етиштириладиган ҳосилнинг тақдири учун колхоз раиси, совхоз директори ва бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари билан бир қаторда жавобгар эканлигини яхши англаши керак.

Қуйи Чирчиқ районидаги «ЎзССР беш йиллиги» совхозининг агрономи Ўртоқ Ҳикмат Муҳаммаджоновни бутун коллектив ҳурмат қилади. Негаки у бир неча йиллардан буён орттирган тажрибалари билан совхозда пахтачиликни ривожлантириш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ер текис бўлсин, экиладиган чигит сара бўлсин, культивация сифатли ўтказилсин, ҳар туп ғўза сувга қонсин! Агрономнинг дастлабки ўртага ташлайдиган маслаҳати ана шу. Агар шу тадбирлар изчиллик билан амалга оширилса, гектарлар тўла бўлади. Ғўза тупларининг нормал қалинликда сақлаб қолишнинга эришилади.

Совхоз директори Ўртоқ Исмоил Иброҳимов агроном Ҳикмат Муҳаммаджоновнинг фазилатлари тўғрисида гап борганида, шундай фикрни ўртага ташлайди: унинг агрономлик фаолиятидаги энг яхши одат шундаки, пахтачиликда янги агротехника фани ютуқларини ҳеч қандай иккиланмай дадиллик билан қўллайди, эскиликка қарши қатъий туриб курашади.

Худди ана шундай. Биз ўртоқ Ҳикмат Муҳаммаджоновни чигит ерга ташланаётган кезларда доимо пахтазор бағрида кўрамиз. У чигитнинг ерга бир текис тушиши учун, аниқ квадратлар ҳосил қилиниши учун курашади. Сон кетидан қувмайлик, пала-партиш ишнинг оқибати ёмон бўлади, биз учун даставвал сифат керак, ишнинг сифатли бўлса, ҳосилнинг мўл бўлади, дейди. Ғўза парваришининг ҳал қилувчи ҳозирги долзарб кунларида сиз уни тунда сувчилар ёнида, кундузи азамат механизаторлар билан бирга кўрасиз. Ахир у зиммага олинган мажбурият юксак эканлигини, эл-юрт олдида берилган ваъданинг бажарилиши учун эса чинакам кураш олиб борилиши лозимлигини яхши тушунади.

Ўтган йили совхоз ишчи ва механизаторлари 3800 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 центнердан «оқ олтин» кўтаришди. Ҳосилнинг асосий қисми машиналар ёрдамида теришлиб, қоп-қанорсиз, прицеплар орқали қабул пунктларига топширилди. Бундай муваффақиятларнинг калиди қаерда?

Совхозда квадрат-уялаб чигит экишга катта эътибор берилди. 800 гектар ерга уяларга белгиланган миқдорда уруғ ташлайдиган сеялкалар билан чигит экилди. Ер сифатли текисланганлиги, етарли нам сақланганлиги, ҳар бир картанинг шароитига мос схемада чигит экилганлиги натижасида ғўза ғупларининг нормал қалинликда бўлишига эришилди. То ҳосил пишиб етулгунча кўчатларнинг нобуд бўлишига йўл қўйилмади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўртоқ Муҳаммаджонов тупроқнинг структурасини яхшилашга, алмашлаб экишни кенг жорий қилишга, карталарни яхшилаштиришга, маҳаллий ва минерал ўғитдан агротехника фани ва илғорлар тажрибаси асосида фойдаланишга катта эътибор бериб келмоқда.

Областимиз колхоз ва совхозларида ўртоқ Ҳикмат Муҳаммаджоновга ўхшаган сергайрат, ўз касбини жон-дили билан севган, ҳосилнинг тақдири учун асосийдил жон қуйдирадиган, ўз ҳуқуқидан тўғри фойдалана оладиган агрономлар оз эмас.

Афсуски, бир қатор хўжаликларда ўзининг агроном деган шарафли номини оқлай олмаётган, жавобгарликни ҳис қилмаётган, тўғрироғи, колхоз раислари, совхоз директорлари олдида ўз ҳуқуқини йўқотиб қўйган агрономлар ҳам йўқ эмас. Бундай агрономлар ўз билимлари ва тажрибаларини бойитиш йўлида ўйлаб кўрмаётганликлари туфайли пахтачиликда ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги янгиликларни кўраолмаяптилар, ҳали ҳам эскилик сарқитларидан воз кечганлари йўқ.

Янгийўл районидаги Свердлов номли колхознинг агрономи Ўртоқ Т. Усмоновни ана шундай — ўз касбига меҳр қўймаган агрономлар қаторида ҳисоблаш керак. Бу колхозда ўтган йили алмашлаб экишга етарли эътибор берилмаганлиги, пахта майдонлари ўз вақтида сифатли шудгор қилинмаганлиги, чигит сифатли ишланмаган ерларга экилганлиги туфайли ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлишига эришилмади. Ғўза парваришни ҳам белгиланган агротехника муддатларида сифатли ўтказилмади. Натижада колхоз йиллик пахта тайёрлаш давлат планини бажара олмай қарздор бўлиб қолди.

Пўл қўйилган бундай камчиликларга колхоз правлениеси, бошланғич партия ташкилоти билан бир қаторда агроном Ўртоқ Т. Усмонов ҳам жавобгардир, албатта. Агар у ишга жонили билан киришганида, пахтачиликда агротехника фани ютуқларини жорий этишда колхоз правлениеси ва партия ташкилотига яқиндан ёрдам берганида, ер чизиб колинмаган бўлар эди.

Демак, агроном деҳқончиликда ҳал қилувчи фигура бўлиши керак. Ҳосилнинг тақдири кўп жиҳатдан у берган маслаҳатга, у кўрсатган йўл-йўриқларнинг нақадар тўғри бўлишига боғлиқ эканлигини унутмаслик лозим.

Колхоз правлениелари, совхоз дирекциялари, қолаверса район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари агрономларнинг ишлаб чиқаришдаги ролини янада оширишлари, уларга агротехника фани ютуқлари ва илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилишлари учун имконият яратиб беришлари лозим.

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ АРМАНИСТОНГА КЕЛДИ

ЕРЕВАН, 5 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев Арманистонда Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги ва Арманистон Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг қирқ йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашиш учун бугун бу ерга келди.

Аэродромда ўртоқ Н. С. Хрушчевни Арманистон ССР Коммунистик партияси ва ҳукуматининг раҳбарлари, байрамда қатнашиш учун келган иттифоқчи республикалар делегацияларининг бошлиқлари, шунингдек меҳнаткашларнинг вакиллари кутиб олдилар.

Аэродромдан шаҳаргача бўлган бутун йўл давомида ва шаҳарда неча мингдаб меҳнаткашлар ўртоқ Н. С. Хрушчевни шодиёна табрикладилар.

ТОШКЕНТДА МАТБУОТ КУНИНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ

Ўзбекистон пойтахтининг жамоатчилиги умумхалқ байрами — Матбуот кунини кенг нишонлади. Шу кунга бағишланиб, 5 майда Навоий номли театрда матбуот ходимларининг партия ва жамоат ташкилотлари вакилларининг иштирокида тантанали йиғилиши бўлди.

Йиғилиш қатнашчилари давомли қарсаклар билан ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумини фахрий президиумга сайлашдилар.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг редактори З. Есенбоев доклад қилди. Ў совет матбуотининг тарихи ҳақида гапириб, КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари муносабати билан ҳамда партиянинг XXII съездини муносиб кутиб олиш учун олиб борилаётган умумхалқ мусобақасини ёритиш соҳасида Ўзбекистон журналистларининг вазифаларига тўхталди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевга табрикнома юбордилар. (ЎзТАГ).

Энди бракка йўл қўйилмайди!

Ўрта Чирчиқ районидаги «XX партсъезд» колхозида текширишлар олиб борилганлиги натижасида колхознинг айрим бригадаларида агротехника тадбирлари планининг бажарилиши таъминланмаётганлиги аниқланди. Колхозда план бўйича 700 гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилиши керак эди. Бунинг ўрнига атиги 80 гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилди. Бу берилган топшириқнинг фақат 11,7 процентини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги артелида ерлардан фойдаланишда хўжасизликка йўл қўйилаётир. 5-бригаданинг 32 гектар майдонидаги уват ва марзаларга чигит экилмасдан қолиб кетган. 2-бригаданинг 8 гектар майдонида, 1-бригадага (бригада бошлиғи — А. Каримов) қарашли 18 гектар майдонда ёмғирдан кейин қатқалоқ пайдо бўлди. Буни йўқотиш учун бир неча кунлар давомида кураш олиб борилмади. Натижада 1-бригадада икки гектар ерга экилган чигит мутлақо униб чиқмади. Шу бригадада 40 гектар ерга чигитнинг сифатсиз экилишига йўл қўйилган. Бунинг натижасида чигит жуда сийрак бўлиб униб чиққан ва кўшимча экиш учун ортиқча маблағ сарфлашган.

К. Аслонов жиноий жавобгарликка тортилди ва Бўка район халқ судида ЎзССР жиноят кодексининг 151-моддасига биноан айбланиб, шартли равишда бир йил муддат билан озодликдан маҳрум этилди.

Қишлоқ хўжалиги артелида ишлар эшитилгандан ва колхоз агрономи С. И. Кимнинг ўз зиммасига юклатилган вазифани бажаришда жавобгарликни ҳис қилмаётганлиги, ишга совуққонлик билан муносабатда бўлаётганлигидан далолат бериб турибди.

Область прокуратураси бундай масъулиятсизлик колхоз экономикасининг ўсишига салбий таъсир қилиши мумкинлигини эътиборга олиб, колхоз агрономи С. И. Ким ва бригадир А. Каримовлар устидан жиноий иш қўзғатди. Текшириш ишлари тугалланди ва иш Ўрта Чирчиқ район халқ судига оширилди.

Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида ҳам хўжасизликка йўл қўйилаётганлиги ва раҳбарларнинг ўз вазифаларига совуққонлик билан муносабатда бўлиб келаётганликлари аниқланди. Бригадир К. Аслонов 7 гектар ерда чигитнинг сифатсиз экилишига йўл қўйган. Бунинг натижасида чигит жуда сийрак бўлиб униб чиққан ва кўшимча экиш учун ортиқча маблағ сарфлашган.

Жавдат МУСТАФОЕВ,
Чиноз районидаги 4-«Вревский» наслчилик совхозининг чўчқабоқари.

Бирлашган Араб Республикасининг парламент делегацияси Тошкентга келди

Тошкент аэропортининг биноси тепасида Бирлашган Араб Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари ҳилпирамоқда. СССР Олий Советининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган дўстона араб давлати парламент делегацияси 5 май кечқурун бу ерда шодиёна кутиб олинди. Делегация бу ерга Ленинградан келди.

Бирлашган Араб Республикаси Миллат мажлисининг раиси Анвар Садат бошчилигидаги бу делегация составида Бирлашган Араб Республикасининг парламент аъзоларидан Муҳаммад Рушди, Ҳасан Нуриддин Али Амир, Абдил Саттор Алсаид, Муҳаммад Фуад Ҳасанейн Абу Гамила, Ниамат Мансур Маҳран, Аҳамда Ҳусайн Хусни Алҳаким, Нури Бен Муҳаммад Комол Алҳаким, Гихад Дахи, Фавзи Далилар бор.

Араб меҳмонларининг мамлакат бўйлаб қилаётган сафарида СССР Олий Совети депутати К. А. Губин, СССР Олий Совети Президиумининг ва СССР Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари уларга ҳамроҳ бўлмоқда.

Бирлашган Араб Республикаси парламент аъзоларини аэродромда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. С. Сахибоев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси Ғ. С. Султонов, республика министрлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ва Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари, матбуот вакиллари кутиб олдилар. Меҳмонларга гулдасталар тақдим этилди. (ЎзТАГ).

БУГУН ТОШКЕНТДА ЧЎЧҚАБОҚАРЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ОЧИЛАДИ

Чўчқачилик — гўшт манбаидир!

БУ КАСБНИ СЕВИБ ҚОЛДИМ



Суратда: чўчқабоқар Сайфиддин Муҳитдинов.
И. Глауберзон фотоси.

Мен аввалларида сигирчилик фермасида ишлар эдим. Тўғри, бу ерда ҳам ўзимнинг меҳнатим туфайли ёмон бўлмадим. Сигирларни бўрдоқига боқиб гўштни купайтириш, улардан кўп сут согиб олинишига ва бўлса ҳам ўз ҳиссамни қўшдим.

Бироқ чўчқабоқарлик касби мени кўпроқ қизиқтириб қолди.

Мамлакатнинг донгдор чўчқабоқари Ярослав Чиж, унинг ўзбекистонлик издоши Жўра Султонов ўртоқларнинг фидокорона меҳнатини партия ва ҳукуматимиз, шахсан ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев жуда юқори баҳолади. Ана шулар тўғрисида эшитар ва ўйлар эканман, бу янги касбни эгаллашга жазм қилдим ва совхоз дирекциясига мени чўчқачилик фермасига ишга ўтказиш тўғрисида ариза бердим.

— Ташаббусингиз бизни хурсанд қилди,— деди совхоз директори, янги касбда сизга муваффақиятлар тилаймиз. Нимаики керак бўлса барчасини яратиб берамиз.

Бир ишга отланганингдан кейин уни қўллаб-қувватласалар, ҳамма шароитни яратиб берамиз десалар ғайратга-ғайрат қўшилар экан.

Эл олдида сўзимнинг устидан чиқиш учун дастлабки кунларданоқ ишга пухта киришдим. Менга ажратиб берилган чўчқаларни илғор усулда боқиб семиртириш йўлларини қидирдим. Натижа ёмон бўлаётгани йўқ. Агар парваришни ўрнига келтириб турсангиз бу жониворлардан тез семираётгани йўқ экан.

Ҳозир фермамизда 800 дан ортиқ чўчқа бор. Шундан 40 таси она чўчқа. Биз бу йил давлатга минг центнер чўчқа гўшти топшириш мажбуриятини олганмиз. Бу соҳада дастлабки ютуқлар қўлга киритилди. Бир неча ўн бош чўчқа семиртирилиб биринчи квартал ҳисобига гўштга топширилди.

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг чўчқабоқари Ким Николайнинг тажрибалари бизга ўрнак бўлади. Бу колхозда чўчқалар очиқ ерда боқилиб жуда яхши натижаларга эришилади. Бизнинг томонларда ҳам шундай ерлар кўп. Масалан, Чирчиқ бўйларида чўчқаларни очиқ яйловларда боқиш учун имконият бор. Биз ана шу имкониятлардан фойдаланиб, хўжаликнинг бу соҳасини тинмай ривожлантирамиз. Чўчқаларни комбикорм озуқалари билан боқиб арзон гўшт етиштириш учун курашамиз.

Сайфиддин МУҲИДДИНОВ,
Оржоникидзе районидаги «XXI партсъезд» совхозининг чўчқабоқари.

ИХЛОС

Бу гапни мен иш бошлаганимнинг биринчи кунларида кекса чўчқабоқарлардан эшитган эдим. Рост гап экан. Кимда-ким ўз касбига ихлос қўймаса, унинг маррага етишига ишониш қийин. Мен дастлабки кунларда баъзи кишиларнинг гапига кириб йигит кишига чўчқа боқиш ҳам иш бўлдими, деб иккиланиб юрдим. Аммо орадан кўп ўтмай бу фикримнинг нотўғри эканлигини тушундим. Кунлар-кунларга уланган сайин танлаган касбимга нисбатан ихлосим ортаборди. Биринчи марта гўштга топширган чўчқаларимнинг оғирлик вазни 70—80 килограммдан ташкил этган бўлса, кейинги йилларда ҳар бир чўчқанинг оғирлик вазнини 95—100 килограммгача етказишга муваффақ бўлдим.

Бу йил ҳар бир чўчқанинг оғирлик вазнини 110—120 килограммга етказиб гўштга топшираман, деб аҳд қилганман. Юксак аҳлимни ўз-ўзидан бажарилмаслигини яхши биламан, чўчқаларни тўйимли озиқалар билан тўйдириб боқаяпман. Меҳнатим зое кетмаяпти. Боқувга қўйган чўчқаларимнинг ҳар бири бир кечакундузда 350—400 граммдан семиряпти.

Жавдат МУСТАФОЕВ,
Чиноз районидаги 4-«Вревский» наслчилик совхозининг чўчқабоқари.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК НОВАТОРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ АЪЗОЛАРИ МАСЛАҲАТ БЕРАДИЛАР

Илғор тажрибаларни кенг оммалаштирайлик

Область қишлоқ хўжалиги новаторлари ва мутахассислари кенгаши йиғилишидан

Область қишлоқ хўжалик новаторлари ва мутахассислари кенгашининг Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлислар залида бўлиб ўтган бу галги кенгайтирилган йиғилишида муҳим масала:— **барча майдонларда чигитни бир текис ундириб олиб ғўза парваришини кучайтириб юбориш, маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экишни тез ва сифатли тугаллаш тадбирлари муҳокама қилинди.**

Областимизда чигит экиш асосан тугалланди. Бироқ шуни айтиш керакки, кўпгина хўжаликларда чигитни квадрат-уялаб экишга етарли эътибор берилмади. Айниқса Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Янгийўл, Чиноз ва Оржоникидзе районларида бу соҳада катта камчиликларга йўл қўйилди.

Маккажўхори экиш суръати жуда паст. Сабзавот экиш плани эндигина 51,5 процент бажарилди.

Бу йил мамлакатга 500 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан зиммага олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун фидокорона меҳнат қилишимиз керак. Эрта экилган ерларда ёмғир ёғиб қатқалоқ ҳосил бўлди, бу ҳам ишни анча қийинлаштирди. Ёмғирдан сўнг экиб бўлинган ерларда эса тупроқда нам етарли бўлмасдан қолди. Бундай ерларга чигит суви бермасдан чигитни ундириб олиш қийин.

— Шуни очиқ айтиш керакки,— деди область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **Д. М. Молчанов,**— кўп хўжаликларнинг мутахассислари аҳволни яхши ҳис қилиб ишламаётирлар.

Мана бир мисол: Гулистон районидаги Ленин номли колхоз областимизнинг етакчи хўжаликларидан. Бироқ бу колхознинг агрономи Ўртоқ Назаровнинг иши билан танишар эканмиз, унинг плансиз иш олиб бориши маълум бўлди. Колхозда у ёки бу участкаларнинг шароити очиқ кўрсатиб қўйилган экиш картаси бор. Бироқ агроном ундан фойдаланмайди. Қаерга қанча минерал ёки маҳаллий ўғит солиш, қаерга кўпроқ сув юбориш кераклиги тўғрисида у қатъий бир фикрга эга эмас. Колхознинг 13-бригадасида қатқалоқ пайдо бўлиб ёш ғўзани қисиб қўйган. Лекин Ўртоқ Назаров бунинг олдини олиш учун ҳеч бир чора кўрмаган. Бундай мисолларни Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган агроном А. А. Кочетков ишлаётган I-«Далварзин», шунингдек 2-«Далварзин» сохвозларида ҳам кўриш мумкин.

Иккинчи бўлиб сўзга чиққан область совхозлар трестининг бошлиғи ўртоқ **А. И. Руцкий** совхозлардаги аҳволга тўхталиб ўтди.

— Совхозларда экиш тамом бўлди,— деди у,— бироқ ҳали барча қийинчиликлар олдинда. Ҳамма майдонда чигитни бир текис ва тўла ундириб олганимиздан сўнгтина экишни тўла тугалладик деб айта оламиз. Бироқ бу соҳада ишимизни мақтаб бўлмайди. Атиги 67 процент майдонда чигит униб чиқди, шундан 9 процент майдондагина чигит тўла униб чиқди.

Совхозларимиз 10—12 кун муддат ичида аҳволни тубдан яхшилаб оладилар. Май ойида барча майдондаги ғўзалар кам деганда икки марта комплекс парваришдан чиқарилади.

ОЛИМЛАР МАСЛАҲАТИ

Кенгаш ишида қатнашган олимлар пахтакорларга қимматли маслаҳатлар бердилар.

— Мен деди қишлоқ хўжалик фанлари доктори ўртоқ **А. А. Дадабоев,** яқинда областнинг 8 районини айланиб чиқдим, — **шундай хулосага келдимки, бу йилги шарантда суғоришни эрта бошлаш керак. Ерда нам етарли, ғўзамизни чиниқтириб суғорамиз деган гаплар эндиликда бутунлай тўғри келмай қолди. Шунинг учун табиатдан марҳамат кутиб ўтирмасдан биринчи суғоришни бошлаб юбориш керак.** Дастлаб чигит тупроғи қуруқ участкаларга экилган ерларга сув қўйиш талаб қилинади. Бегона ўтга қарши курашда ҳамма воситалардан фойдаланайлик. Шунга эришиш керакки, биринчи озиқлантириш бошланганида далаларда бегона ўт қолмаган бўлсин. Акс ҳолда ўт ғўзанинг озиғига шерик бўлиб, унинг ривожланишини кечиктиради.

(ДАВОМИ УЧИНЧИ БЕТДА)



Суратда: область қишлоқ хўжалик новаторлари ва мутахассислари кенгаши қатнашчиларидан бир группаси Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози далаларида.
А. Абилян фотоси.

ПАРТИЯ ГРУППАЛАРИНИНГ КУЧИ НИМАДА?

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЗВЕНО

Чирчиқдаги «Электромаш» заводи Иттифоқимизлаги йирик корхоналардан бири бўлиб, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Ватанимиз электротехника саноатини ривожлантиришда катта рол ўйнамоқда. Завод коллективи ишлаб чиқараётган комплект-тақсимлаш аппаратлари, турли маркадаги трансформаторлар, электрошчитлар, панеллар, пайвандлаш аппаратлари, шаҳар трансформатор подстанциялари ва бошқа шу сингари бир неча хил мураккаб электр ускуналари мамлакатнинг деярли ҳамма шаҳар ва қишлоқларига, шунингдек демократик республикаларга жўнатилаётир.

Корхонанинг бунчалик катта мавқеи унда ишлаб чиқарилаётган ускуна ва аппаратураларнинг ниҳоятда сифатли, ниҳоятда мукаммал бўлишини, шу билан бирга маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин суръатлар билан кўпайтира боришни талаб этади. Янги цех ва участкалар ишга туширилиши муносабати билан, шунингдек меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан бу йил заводда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми уч баравардан зиёд оширилиши керак. Шу билан бирга йил охиригача ТМЗ-1000/10 маркали катта трансформатор ишлаб чиқаришни тўла ўзлаштириш лозим.

Завод коллективи ўз зиммасидаги мана шу мажбуриятларни тўла ҳис этган ҳолда ишлаб, сўнгги пайтларда бир қанча ташкилий-техникавий тадбирларни амалга оширди. Магнит ўтказгич учун ишлатиладиган электротехник пўлатни тешадиган универсал штамп жорий қилинди, камкучланишли аппаратурада асбоцемент плиталарни тўйинтириш ва қуритиш ишлари механизациялаштирилди. 180 киловатт қувватли трансформаторлар ишлаб чиқаришда мис ўрнига алюминий ўралганлиги айниқса катта муваффақият бўлди. ТМОА-50 маркали камқувватли трансформатор конструкциясини тубдан ўзгартириб, қимматли рангли металл ўрнига алюминий ўраб чиқарилганлиги мамлакатимиз трансформаторсозлигида катта янгиликдир.

Бундай ютуқлар осонлик билан қўлга киритилгани йўқ. Бу соҳада завод партия ташкилоти, айниқса партия группаларининг ҳиссаси катта. Синовчи-инженер, ғайратли ва ташаббускор коммунист Клавдия Афанасьевна Демидова бошчилигидаги партия бюроси коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида ибрат бўларли ишлар қилмоқда. Бунда партия группалари ҳал қилувчи роль ўйнамоқдалар.

Завод партия ташкилоти ҳисобида ҳаммаси бўлиб 56 коммунист бор. Улар тўртта партия группасига бўлинган. Шунингдек маъмурият хўжалик фаолиятини контроль қилиш юзасидан тўртта партия контроль комиссияси тузилган. Бу комиссия ва партия группаларига обрў-эътиборли, ташаббускор, актив жамоатчи ва ишда илғор коммунистлар бошчилик қилаётир. Улар деярли ҳар бир коммунистга жамоат топшириғи бериб қўйганлар. Топшириқларнинг қандай бажарилишини партия группаси ҳам, завод партия бюроси ҳам ишчилик билан кузатиб боради. Ёш коммунист, электрпайвандчи Анатолий Богданов монтаж йиғув цехида ташкил этилган партия группасига, оддий ишчидан старший мастер вазифасига кўтарилган ҳунарманд Азиз Иброимов трансформатор цехидаги партия группасига, тажрибали слесарь Василий Баранчиков механика цехи партия группасига ва термист Сунут Розибакиев асбобсозлик цехи партия группасига бошчилик қилаётирлар.

АСОСИЙ УЧАСТКА

Ишлаб чиқаришни тўхтовсиз ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, цех экономикаси билан чуқур ва атрофлича шуғулланиш механика цехи партия группаси фаолиятининг асосини ташкил этади. Олти коммунистдан иборат бу группа ойига икки марта цехда йиғилиш ўтказади. Бундай йиғилишларда ишлаб чиқаришга доир энг муҳим масалалар муҳокама қилинади.

— Февраль ойида,— деб ҳикоя қилди партгруппорг ўртоқ Баранчиков,—цехимизда иш оқсай бошлади. Шунда партия группанинг йиғилишини ўтказдик. Йиғилишда цехда иш унумининг сезиларли камайиб кетишига меҳнат интизомининг бирмунча бўшашиб қолганлиги, айрим кишилар иш соатидан тўла фойдаланмаслиги сабаб бўлаётганлиги аниқланди. Мастерлар қаттиқ танқид қилинди. Уларга малакали ишчиларни орқада қолаётганлар билан ёнма-ён қўйиш ва иш давомида унга ёрдам бериб туришини таъминлаш тавсия этилди. Бу таклиф амалга оширилди. Цехда иш унуми сезиларли ошди.

Яна бир муҳим топшириқ берилганда механика цехида ишлар унчалик жўнашмай қолди. Бу аҳвол бошқа цехларга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Трансформатор цехи партия группасининг бошлиғи Азиз Иброимов бу аҳволдан жиддий ташвишланиб, механика цехи участкасидаги ишларни ўрганди. Сўнгра у Баранчиковга ҳар икки партия группасини бирга йиғиб, унда иккала цех бошлиқларининг ҳисоботини эшитишни ва ишни жонлантириб юбориш тадбирларини белгилашни тавсия этди.

Шундай қилишди. Йиғилишга завод партия ташкилотининг секретари Демидова ҳам қатнашди. Цех бошлиқлари Шигай ва Жеребцов ўртоқлар, мастер Баратов, слесарь Сисоев, созловчи Шевелев, токарь Ёқубов ва бошқаларнинг гапларидан маълум бўлдики, механика цехига шошилинч равишда ёрдам уюштириш керак. Йиғилишда ҳар икки партгруппа аъзолари янада зўр ғайрат билан ишлашга қарор қилдилар. Трансформатор цехи механикларга кўмаклашиб турди. Натижада графикдан орқада қолган цех ишларини ошириб бажарди. Биринчи кварталда бу цех социалистик мусобақада ғолиб чиқди ва завод кўчма қизил байроғини олишга муваффақ бўлди.

ҒАЛАБАЛАР ГАРОВИ

Заводда цехлар, бригадалар ва ҳамма ишчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа чинакам қизғин тус олдириб юборилган. Ҳар бир коммунист, ҳар бир комсомол ва касаба союз аъзоси партия XXII съездига муносиб совға тайёрлаш тарадуддида. Цехлар, қизил бурчаклар ва умуман корхона территориясида меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтиришга, ишчилар ўртасида коммунистик муносабатларни ривожлантиришга, актив жамоатчи ва тарбиячи бўлишга даъват этувчи шиор ва плакатлар билан безалган. «Молния» ва деворий газеталар ўз вақтида чиқариб турилади. «Молния» ёки газета чиққан куни кечгача цехларда қизғин бахслашувлар давом этади. Танқид ва ўз-ўзини ганқид ишдаги камчиликларни бартараф қилишга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Қайси цехга кирманг, ишлаб чиқаришнинг қайси бир соҳаси билан танишманг — ҳамма ерда, ҳамма соҳада коммунистларнинг самарали таъсирини, авангардлик қилаётганлигини сезасиз. Уларнинг ташаббуси билан иккита катта цехда ишчилар ҳашар тариқасида катта қизил бурчак қуриб олдилар ва шинам жиҳозладилар.

Кишиларга меҳрибонлик, йўлдан оза бошлаганларни эҳтиётлик билан тўғри йўлга солиш завод партия группаларининг доимий ишидир. Буни характерлайдиган мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

Ишчиларни, инженер-техник ходимларни етти йилликда завод олдида турган улуғвор вазифаларни бажаришга сафарбар этаётган завод партия группалари корхона партия ташкилотининг энг асосий ва энг ишончли таянчи бўлмоқдалар. Шуларнинг ёрдамида сўнгги бир-икки ойнинг ўзида корхонада бир қанча муҳим тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, завод конструкторлик ва технология бўлимлари юқори малакали, ишчан кадрлар билан мустаҳкамланди, янги техника ва илғор технология учун курашувчи махсус группа тузилди ва унинг иши жонлантириб юборилди, янги маҳсулот ўзлаштиришда қадрларнинг техника ўқуви ва янги маҳсулот ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган ҳунарларни ўргатиш йўлга қўйилди. Заводни реконструкция қилиш масаласи анчадан бери халқ хўжалик кенгаши, лойиҳалаш ташкилоти ва завод ўртасида шу масала юзасидан келишмовчилик борлиги сабабли чўзилиб келаётган эди. Завод партия ташкилоти бу масалани шаҳар партия комитети бюросига қўйиб, ижобий ҳал этишга эришди. Ҳозир реконструкция анча қониқарли бораётир. Айни вақтда корхона цехлари ҳам бир меёрда ишлаб турибди. Сўнгги 4 ой давомида планнинг ҳамма кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарилганлиги, мажбуриятдагидан ҳам бир неча минг сўмлик кўп электротехника ускуналари ва аппаратуралари ишлаб чиқарилганлиги бунинг далилидир.

В. СОЛИЕВ.



Етти йилликнинг зарбдор объекти — Оҳангарон цемент заводи қурувчилари майолди социалистик мусобақасида қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш учун курашмоқдалар. Ҳозир биринчи печни монтаж қилиш ишлари жадал усулда олиб борилмоқда. Суратда: биринчи айланма печнинг умумий кўриниши.

А. Палехов фотоси.

ТОШКЕНТ-ИВАНОВО

МУСОБАҚАДОШ ДУГОНАЛАР

Валянинг хати Шурани анча ўйлантириб қўйди. У нима деб жавоб ёзишини билмас эди. Эртаси куни смена бошланиши олдидан дугонасининг фикрини билмоқчи бўлиб сўради:

— Галя, кеча мен Ивановодан хат олдим, Валядан. У мени съезд шарафига мусобақага чақирибди. «Етти йиллик топшириғини олти йилда бажаришга сўз берганман» деб ёзибди. Ўзига топширилган станокларда ҳар ойда пландан ташқари 300 метрдан газлама тўқиётган экан.

— Жавоб ёздингми? — сўради Галя.

— Ёзмоқчи эдиму, бироқ... жавобига ҳайронман. Нима деб ёзсам экан-а?... Валя 300 депти. Мен ундан ошира олармикинман?

Галя Зайцева билан Шура Захарева Тошкент тўқимачилик комбинатининг 2-тўқув фабрикасида ишлайдилар. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўрта мактабни тугатгач, ўзини меҳнат қучоғига отган ёшлардан.

Галя ҳозир 30 тўқув станогини бошқараяпти. У ўзининг меҳнатсеварлиги, хушмуомалалиги, жамоат ишларида актив қатнашиб келаётганлиги туфайли коллектив ўртасида обрў қозонди. Ҳозир корхонанинг энг илғор ишчиларидан биридир. Мана бир неча йилдирки, у Ивановодаги Белишев номли тўқимачилик фабрикасининг тўқувчиси Валя Гладишева билан мусобақалашади. Галянинг дугонаси Шура ҳам комбинатнинг илғор кишиларидан. Бу икки дугона бир-бирлари билан ўзаро мусобақалашиб, ўз топшириқларини ҳамиша ортиғи билан бажариб келадилар.

Галянинг ивановолик дўсти Валя эндиликда Шурани ҳам мусобақага чақирибди. Шура жавоб хати ёзишдан аввал ўз имкониятларини чамалаб кўрди. Станокларнинг бетўхтов ишлашини таъминлаб, иш суръатини тезлатди. Натижада кўплаб сифатли газлама тўқий бошлади.

Яқинда Шура ивановолик дугонаси В. Гладишевага жавоб хати ёзди: «Қимматли Валя! Чақириғингни қабул қилдим. Ўзимга бириктилган станокларда ҳар ойига пландан ташқари 400 метрдан аъло сифатли газлама тўқиб бериш мажбуриятини олдим. Сен ҳам, мен ҳам эл-юрт олдида берган сўзингизнинг устидан чиқишга ҳаракат қилайлик. Ишларингда муваффақият тилайман» — деб ёзилган эди хатда.

Ҳозир Шура Захарева ва Галя Зайцева кунлик топшириқларини 120—125 процентга етказиб, ўз аҳдларининг устидан чиқиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Р. ҲАСАНОВ,
2-тўқимачилик фабрикаси 2-цехининг мастер ёрдамчиси.

ФАН ва ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

АЖОЙИБ АВТОМАТ

Воронеж машинасозлик заводининг инженер-конструкторлари корхона ишчилари билан ҳамкорликда унни автомат равишда тортувчи ва упаковка қиладиган машина яратишди. Бу агрегатнинг ўзи автомат равишда қоғоз пакет тайёрлайди, икки килограмм маҳсулотни жойлаштиради ва упаковка қилади. Янги машина ҳар минутда 25-30 тайёр пакетни конвейерга етказиб туради. Корхона коллективи ҳадемай бундай механизмларни кўплаб ишлаб чиқаришга киришади.

УНИВЕРСАЛ ЧАНГЛАГИЧ

Марийск Халқ хўжалиги кенгашига қарашли ремонт заводи коллективи янги конструкциядаги чанглагичларни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу чанглагичлар қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг фойдаланилади, у анча енгил, жуда ўнғай бошқарилади. Улар ёрдами билан узум, пахта ва бошқа шу каби техника экинларини, ғалла ни заҳарли химикатлар порошоклари билан чанглатилади.

БУКЛАНУВЧИ КРАН

Калининград ремонт-механика заводининг коллективи беш тонна юкни кўтариб 20 метр нарига етказиб берадиган кран ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу кранинг афзаллиги шундаки, у буклананди. Бундай кранлардан кўп қаватли уй-жой бинолари қурилишини механизациялашда кенг фойдаланиш мумкин. Машина рельс устида юради, электрик ярим автомат кнопкалар билан бошқарилади. Янги кранинг башня ва стреласи қаламтараш сингари букланади, уни монтаж қилиш учун эса бор-йўғи тўрт соат вақт сарфланади. Бу ишни икки киши бажариши мумкин. Кранни янги жойга ўрнатиш учун ҳам тўрт соат сарфланади.

Қирғиз кабелчилари миннатдор

«Қирғизкабель» заводи республиканинг энг ёш корхоналаридан биридир. Шу заводнинг бир группа ишчилари 21 кун мобайнида Тошкент кабелчилари ҳузурида бўлдилар. Ана шу давр мобайнида улар бу улкан корхонадаги янги асбоб-ускуналар билан, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш билан танишдилар. Ўзбек кабелчилари қардош республикадан келган ўз касбдошларига кўп йиллар мобайнида тўплаган тажрибаларини ўргатдилар.

Яқинда қирғиз кабелчилари ўз корхоналарига жўнаб кетдилар. Қирғизистонлик ишчилар номидан инженер ўртоқ Марушкин «Ташкенткабель» заводининг ишчилари ва инженер-техник ходимларини, жумладан старший мастер Глинская, технолог Волков ва тажрибали ишчи Бондаренко ўртоқларга ўз тажрибаларини ўргатганликлари учун чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирди.

В. ДОЛОТИН,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

Юксак номга яраша меҳнат қилмоқдалар

Тошкент магистралининг коллективи тўрт ойлик юк ортиш планини муддатидан илгари—25 апрелда бажарди. Ички резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланишни йўлга қўйиш натижасида вагонларнинг бекор туриш вақти анча қисқарди. Юк ортишда механизациядан кенг фойдаланиш, локомотивлар теллигини оширишга муваффақ бўлинди.

Оғир юкли поездларда қўшимча равишда юзларча минг тонна халқ хўжалик юклари ташилди. Айниқса, Урсатьевск паровозчилари, Тошкент тепловозчилари ҳадал суръатлар билан меҳнат қилдилар. Оҳангарон, Тошкент-товар, Салор, станцияларининг темир йўлчилари вагонларга юк ортишда тезкорлик билан ишламоқдалар.

Коммунистик меҳнат ва юксак маданият магистрали номини олиш учун курашаётган Тошкент темирйўлчилари пландан ташқари бир неча минг тонна халқ хўжалиги юклари ортиб жўнатдилар.

Босилмаган хабарлар изидан

Хиёнатчилар жазоланди

Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг 6-бўлимида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Совхоз раҳбарлари бўлимдан тез-тез хабар олишмайди, талабчанлик йўқ. Бўлимнинг старший бухгалтери Қўчқоров, склад мудири Усмонов, кассир Халиловлар талон-торожлик ишларини авж олдириб юбордилар. Булар камлик қилгандай, ишчиларнинг ҳақига ҳам чанг солишаяпти.

Редакциямизга келган хатлардан бирида шу тўғрида хабар қилинган эди.

Область қишлоқ хўжалик бошқармасининг редакцияга қилган жавобида хат юзасидан совхозда чуқур ревизия ўтказилгани, айбдорлар устидан жиноий иш қўзғатиш учун текшириш материаллари тергов органларига топширилгани кўрсатилган.

Бекобод районидан яқинда олинган хабарга кўра, давлат ва халқ мулкига хиёнат қилган айбдорлар жиноий жавобгарликка тортилганлар.

Шикоят

Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз территориясида яшовчи бир группа пенсионерлар ва обуначилар редакцияга хат ёзиб, колхоз раиси ўртоқ Хайитбоев почтальон Худиралиевга колхоз территориясида ва колхоз марказидан узоқда яшаётган обуначиларга, пенсионерларга хизмат кўрсатишни манъ этиб қўйганидан шикоят қилган эдилар.

Район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири ўртоқ А. Қодировнинг редакцияга маълум қилишича, шикоятда келтирилган фактлар текширишда тасдиқланган. Колхоз раиси ўртоқ Хайитбоев ва Чоштепа қишлоқ Советидаги почта бўлимининг бошлиғи ўртоқ Шокировга газета-журналлар ва пенсия пулларининг эгаларига ўз вақтида етказиб турилишини таъминлаш юзасидан топшириқ берилган.

Камчиликлар тугатилди

Юқори Чирчиқ район касалхонасининг иўз касаллари бўлимида даволанаётган беморлар редакцияга хат ёзиб, бу бўлимнинг ишида юз бераётган камчиликлардан шикоят қилган эдилар.

Область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири ўртоқ Хошимовнинг редакцияга маълум қилишича, хатда кўрсатилган фактлар текширишда тасдиқланган.

Касалларнинг дам олиши, радио эшитиши учун зарур шароит яратиб берилган. Чунончи, касалхона учун радиоприёмник сотиб олинган. Район ижроия комитети янги қурилаётган санаторий ҳисобидан икки хонани бу бўлимга ажратиб беришга қарор қилган.

Стационарда бўлган бошқа камчиликларни тугатиш учун ҳам бир қатор амалий тадбирлар кўрилган.

Газеталар хабар қилади...

9 ОНА ЧУЧҚАДАН 200 БОЛА ОЛИНДИ

«Ховос» дон совхозининг чўчқабоқари коммунист Бердиқул Бобоев ўзига бириктилган чўчқаларни меҳр билан парвариш қилянти. Ҳозир у боқаётган она чўчқалардан 9 таси болалади. Улардан 200 бола олинди. Ўртоқ Бобоев КПСС XXII съезди очиладиган кунгача 34 бош она чўчқадан 816 чўчқа боласи олиш ва давлатга 80 тонна гўшт топшириш учун курашмоқда.

(«Ленин йўлидан» — Янгиер).

БРИГАДИРЛАР КУНИ

Оҳангарон ГРЭС қурилиши бошқармаси ҳар шоршанбада бригадирлар кунини ўтказмоқда. Бу тадбирнинг амалга оширилиши қурилишдаги бригада бошлиқларининг ишга бўлган масъулиятини ва ишлаб чиқариш малакасини оширишга яқиндан ёрдам бермоқда. Чоршанбаликларда бригада бошлиқлари иқтисодий ва техника билимларини оширмоқдалар, тажрибаларни ўртоқлашмоқдалар.

(«Ангренская правда» — Оҳангарон шаҳри).

МАДАНИЙ ХИЗМАТ

Шаҳардаги Навоий номли кинотеатр ходимлари корхоналарда киносеанслар учун олдиндан билетлар сотишни кенг йўлга қўйиб, бу соҳада яхши иш бошладилар. Ҳозир комбинатда ҳам олдиндан билет сотадиган касса ташкил этилди. Энди ишчилар ўзлари ҳоҳлаган сеансларга навбат кутиб ўтирмасдан билет сотиб олмоқдалар.

(«Азотчик» — Чирчиқдаги электркимё комбинати).

РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАРИ СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

ЧИНДАН ҲАМ ДИЛБАР

Дилбар опа цех медицина пунктидан қайтиб ўз кабинетига кириши билан:

—Сизни туғруқхонадан йўқлашди-я,— дея қарши олди ҳамшира.

—Нима, тинчликми? — у дарров телефон трубкасини кўтариб туғруқхонани сўради.

— Гулистон районига дейсизми, «Красная заря» колхозиданми? Ҳомиладор аёл қийналяпти. Тушундим. Тезда етиб бораман.— Трубкани қўяр экан, ҳозиргина хушчақчақ турган аёлнинг чеҳраси бирдан жиддий тус олди.

Орадан ярим соат чамаси вақт ўтар-ўтмас Дилбар опа «Тез ёрдам» самолётида учиб борарди. «2 кундан бери дард тортаяпти, кўп қора қўлладик, бўлмади, беморнинг аҳволи оғир». Аёлнинг қулоғида шу сўзлар ҳозир ҳам такрор-такрор эшитиларди. 30 минутлик масофа унинг учун 3 соатдан ҳам узоқдек туюлди. «Тезроқ учсачи» деб қўярди аёл сабрсизланиб. Самолётдан тушгач, Дилбар опа тўғри колхоз туғруқхонасига кириб борди.

— Машкура Раҳмонова қайси палатада?— унинг биринчи саволи шу бўлди. Дилбар опани бемор ёнига олиб киришди. Йўл-йўлакай беморнинг аҳволи ҳақида қисқа-қисқа гапириб беришди.

— Пульси қанча, кўп қон йўқотдими?— устма-уст савол берарди гинеколог Дилбар опа.

Улар палатага киришганда бемор дард азобидан облан ҳолдан кетган, лекин ўхтин-ўхтин тутиб келган қаттиқ дард уни қандайдир ўзига ёт овоз билан чинқиртириб юборарди. Бундай касалларни даволайберіб кўзи пишиб қолган Дилбар опа бемор ёнига келдию:

—Тинчланинг, жонгинам, ҳозир, мана ҳозирнинг ўзида ҳамма дардларингиз йўқолади, фақат беҳуда чинқирманг, қувватни кетказиб нима қиласиз,— деб беморни тинчитдида, олдидаги врач ва ҳамшираларга беморга эшитказмай, «операцияга тайёрланг» деди.

— Опамизни Тошкентдан сиз учун чақиртирдик, Машкураой,— деди ҳамшира беморга.

— Ростданми, ҳайрият, садагангиз кетай, опажон, жоним жуда қийналиб кетди,—кўзига жиққа ёш олиб сўзлади бемор.

— Ана холос, ҳали йиғлоқиман денг, йиғлаш керакмас, қани кўрайчи,— меҳрибон оҳангда гапирди доктор.

1,5 соат давом этган операциядан сўнг беморни палатага келтиришганда у анча тинчиган, нафас олиши нормал ҳолга келган эди. Врач ҳамшираларга беморга қандай укол, қандай дорилар бериш кераклигини тайинлагач:

— Мана энди соғайдингиз. Уч ойлик ҳомиладорлигиз бор экан, аммо, у ўз жойида эмасди. Шунинг учун сизга қаттиқ азоб берган. Уни вақтида улгуриб олдик, бўлмаса оқибати яхши бўлмасди. Энди сиз ўзингизни эҳтиёт қилинг. То бутунлай тузалмагунча оғир юк кўтарманг, зах жойга ўтирманг. Хўпми? — Беморга яна далдалар берди Дилбар опа. У палатадан чиқмоқчи бўлганида Машкура:

— Барака топинг, кам бўлманг, сизга раҳмат, — сўзларини айтиб қолди. «Чиндан ҳам дилбар аёл экан» деб дилидан ўтказди у.

Д. ҒАЙНУТДИНОВА.

Тошкент тўқимачилик комбинати медицина-санитария бўлимининг гинекологи Дилбар Шариповна Ғайнутдинова ўзининг 20 йиллик меҳнат фаолиятида бунақа миннатдорчилик, раҳматларни жуда кўп эшитган. У қайси туғруқхона, қайси поликлиникада хизмат қилмасин, оналарнинг энг яқин меҳрибони, уларнинг нажоткори сифатида танилди. У тўқув цехининг врачидир. Керак бўлиб қолганда уни энг узоқ районларга ҳам чақиртирадилар. Серқуёш Ўзбекистонимиздаги барча меҳнаткаш аёллар қаторида Дилбар опамизга ҳам республикамизнинг хотин-қизлари съездини муносиб совғалар билан кутиб олишда муваффақиятлар тилаймиз.

Н. ОМОНОВА.

ҒЎЗАНИ ИККИ ТОМОНЛАМА СИФАТЛИ КУЛЬТИВАЦИЯ ҚИЛАЙЛИК!

Бу яшил квадратлардаги тептекис ғўза тупларини кўрган ҳар бир киши ерни экишга тайёрлаган, чигитни сифатли эккан деҳқонининг, механизаторнинг ишига балли дейди.

Чиндан ҳам Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхознинг ўртоқ Шоди Раҳматов бошлиқ бригадаси аъзоларининг ишлари ана шундай таҳсинга сазовордир. Суратда: (чапдан) бригада бошлиғи Шоди Раҳматов, колхозчилардан Абдували Бердимуродов ва 2-звено бошлиғи Ислом Усмонов ўртоқлар ғўза парваришини сифатли ўтказиш тўғрисида маслаҳатлашмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

Илғор тажрибаларни кенг оммалаштирайлик

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Сўз қишлоқ хўжалик фанлари кандидати селекционер ўртоқ **Б. П. Страумалга** берилди. У ҳам ўртоқ Дадабоевнинг фикрини қўллаб-қувватлайди.

Олим 15—20 майгача жадаллик билан ишлаб, ғўзани «ремонт» қилишни тугаллаш ва ҳар гектар ерда кам деганда 100—105 минг туп кўчат сақлаб қолиш керак деган таклифни киритди. Кўп далаларда ғўзанинг вильт касали билан оғриб қолиши ҳеч кимга сир эмас. Кўчат қалинлиги таъминланса, ҳосилдан ютушимиз билан бирга, касаллик ҳам камаяди. Б. П. Страумал биринчи суғориш ва биринчи озиқлантириш ишларини ҳам кечиктирмасдан амалга оширишни тавсия этди.

— **Биз «июль — мўл ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой», «август — мўл ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой» шиорларини нотўғри тушунамиз кўпинча,** — деди у. — Ҳосилнинг тақдири мана шу **май ойида ҳал қилинади, шу ойда мўл ҳосилга замин яратишимиз лозим.**

Область қишлоқ хўжалик новаторлари кенгашининг раиси ўртоқ **Ҳамроқул Турсунқулов** олимларнинг фикр ва мулоҳазаларини қўллаб-қувватлади ва пахтакорларимиз илғор фан ютуқлари ва тажрибакор хўжаликларнинг усулларини қўлланиб, белгиланган вазифани шараф билан бажарадилар деб ишонч билдирди.

СЎЗ ТАЖРИБАКОРЛАРГА

Кенгашда таниқли олимлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари билан бир қаторда тажрибакор пахтакорлар ҳам чиқиб сўзладилар.

— Еримиз 110 гектар, — деди Пискент районидаги Тельман номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ **Ҳакимполвон Қодиров,** — ҳаммасига квадрат-уялаб эқдик. Ҳозир чигит текис униб чиқиб, квадратлар аниқ кўзга ташланди. Узунасига ва кўндалангига культивацияни бошлаб юборганмиз. Шуни айтиш керакки, бу йил бултургига қараганда ғўзанинг авжи яхши. Бултур 26—27 кун деганда яганага киришган эдик. Бу йил 13 кун деганда яганани бошладик.

Яганадан сўнг ҳар гектар ерга 50—60 килограмм ҳисобидан ўғит соламиз. Ўғитни мумкин қадар ғўзанинг томирига яқин солиш керак. Шунда у ўсимликнинг таначасига тез ҳазм бўлиб, кўчат ўзини яхши тутиб олади, тетиклашиб кетади. Баъзи ерларимизга икки марта, баъзи ерларимизга эса шароитни ҳисобга олиб уч марта ўғит берамиз. Биз озиқлантиришни 1—5 июлгача тугаллаймиз.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг бўлим агрономи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ **Қурбонали Эрматов** ҳам қимматли маслаҳатлар берди.

— 2 майдан культивацияни бошлаганмиз, — деди у. — Ҳозир 14 та культивация кўндалангига юриб турибди. Картама-карта чигитнинг униб чиққанлигини текшириб, ола чиққан жойлар бўлса чигит экяпмиз. Ёмғир ёғиб қатқалоқ ҳосил бўлиб, ёш ғўзаларни бўғиб қўймаслиги учун ола жойларга экиш вақтида уянинг устига оз-моз гўнг ташлаб кетяпмиз.

Сирдарё районидаги Куйбишев номли колхознинг донгдор бригада бошлиғи ўртоқ **Ҳакимжон Рустамов** ўз бригадасида қилинаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Бу йилги ишимиз, ҳаракатимиз жуда бошқача, — деди Гулистон районидаги «Красная заря» колхозининг комплекс механизациялаштирилган бригада бошлиғи ўртоқ **Алмон Алимқулов,** — бригадамизда 17 киши бор. Шундан 11 киши тракторчи. Еримиз 190 гектар. Биз мўл ҳосил учун курашни ўтган йилнинг 28 октябридан бошлаганмиз. Ўшанда ҳаммамиз ишга киришиб, еримизга икки марта яхоб бердик. Ерни экишга тайёрлаш вақтида ҳар гектар ерга 300 килограммдан фосфор солинди. Қорашўр ерларнинг бетига гўнг сепиб чиқилди. Экишни 13 апрелдан бошлаб, қисқа иш кунида тугалладик.

Далаларимизда ҳозир чигит қийғос униб чиқмоқда. Биз дастлабки кунданоқ ишни пухта қилиш учун курашяпмиз. Кўндалангига культивация бошлаб юборилган. Шуни айтишим керакки, бригадамиз аъзоларининг ҳаммаси тенг ҳуқуқли. Бу деганим шуки, бизда бригадир, ҳисобчи, ошпазларга лавозимларларга қараб алоҳида-алоҳида меҳнат кунлари ёзилмайди. Дала ишида ҳаммамиз ҳам бевосита қатнашиб, меҳнат куни ишлаймиз.

АМАЛИЙ ЁРДАМ

Йиғилиш тугагандан сўнг кенгаш қатнашчилари группа-группаларга бўлиниб, колхозларга чиқиб кетдилар.

Мана, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг далаларини бир группа новаторлар айланиб юришибди. Яшил квадратлар кўзга ташланиб, кишини қувонтиради.

Новаторлар ғўзага бирйўла икки томонлама ишлов бераётган ва озиқлантираётган ККУ универсал машинаси олдида узоқ тўхташди. Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-техника институтининг илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати ўртоқ **В. А. Сергеенко** мазкур машинанинг ишчи органларининг жойлаштирилиши ва уларнинг ишлаш принципи тўғрисида гапириб берди.

— **Пахтадан мўл ҳосил етиштираман деган деҳқон** — деди ўртоқ Сергеенко, — **у ёки бу машинани ишлатишдан олдин унинг қисмларини жой-жойига тўғри ўрнатабилиши керак. Бирор ишчи органи нотўғри ўрнатилса, қўплаб ғўзани нобуд қилади. Бизнингча культиваторнинг пичоқлари 6—8 сантиметр, ғозпанжалари 10—14 сантиметр, дори сепиш органлари эса 12—14 сантиметр чуқурликда бўлиши керак.** Ротацион юлдузчалардан тўғри фойдаланабилиш ҳам катта аҳамиятга эга.

— Бу ерлар, — деди у, колхознинг ўртоқ Абдуҳалил Тўраев бошлиқ бригадасига қарашли, — олимлар бу ерда кўпдан буён тажриба ўтказмоқдалар. Бригада 115 гектар ерга чигит эккан. Шу ерлар ҳаммасидан олдинда ерга 50, 40, 35 сантиметр чуқурликда дори солинди. Бу иш махсус плуг ёрдамида бажарилди. Эрта-индин суғоришга киришилади. Ғўза йил давомида икки марта суғорилади. Ғўза сувга қондирилгач ер икки метр қалинликда захлайди.

Новаторлар далани айланиб ғўзаларга қандай ишлов берилаётганлиги ва озиқлантирилаётганлиги билан танишдилар. Пахтакорларга жойларнинг ўзида қимматли маслаҳатлар бердилар.

Область қишлоқ хўжалик новаторлари кенгашининг бу галги йиғилиши ҳам ана шундай ишчанлик вазиятида ўтди.

Кенгашда область партия комитетининг биринчи секретари **М. А. Абдураззоқов,** Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри **Н. Маннонов** ўртоқлар нутқ сўзладилар.

ДАЛАДА ИШ ҚИЗҒИН

«Оққўрғон» совхозининг 5-бўлимидаги ўртоқ Б. Худойберганов бошлиқ бригада аъзолари ўтган йили пахта тайёрлаш планини 112 процент бажариб, 1 центнер пахтанинг таннархини 70 сўмга туширган эдилар. Бригадада шу кунларда амалга оширилаётган ишлар янада катта ютуқлардан далолат бериб турибди.

Бригада аъзолари етти йилликнинг учинчи йилида 140 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 28,5 центнер ўрнига 35 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун курашмоқдалар. Шу мақсадда 110 гектар майдонга чигит квадрат-уялаб экилди. П. Кенжаев, А. Аҳмадалиев ва М. Ковешников ўртоқлар бошқарган агрегат аъзолари кунига 8—9 гектар ерга чигитни сифатли қилиб экдилар ва бу ишда бошқаларга намуна кўрсатдилар.

Шу кунларда совхозда биринчи бўлиб чигит экишни тамомлаган бу бригаданинг 60 гектарга яқин ерида чигит бир текис униб чиқди. Бригада пахтакорлари ана шу ерлардаги ғўзаларга биринчи ишлов бериш ишини бошлаб юбордилар.

Райондаги Калинин номли колхознинг М. Қурбонов ва И. Сулаймонов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларида ҳам ғўзанинг дастлабки парвариши қизитиб юборилди.

Т. МАМАТОВ. С. ЧЕГАБОЕВ.

☆

Ғўзаларга биринчи ишлов берилмоқда

Янгиер районидаги «Коммунизм» колхози пахтакорлари 1350 гектар ерга чигитни 60х45 сантиметрли схема билан юқори агротехника қоидалари асосида сифатли қилиб экиб бўлдилар. Ҳозир дастлабки чигит экилган карталарда яшил квадратлар пайдо бўлаётир. Колхознинг С. Орипов, Т. Жалилов ўртоқлар бошчилик қилаётган илғор участкаларида чигит экиш айниқса сифатли ўтказилди. Участканинг Ш. Омонов, Д. Шукуров, Ш. Файзуллаев сингари механизаторлари чигит экишда ғайрат билан меҳнат қилдилар.

Колхоз пахтакорлари КПСС XXII съезди очиладиган кунга қадар пахта тайёрлаш давлат планини ошириб бажаришга бел боғладилар.

Шунингдек, 3-«Боёвут» совхозининг Мирзахўжаев, Б. Қурбонов, 1-«Боёвут» совхозининг И. Раҳматов, «Дружба» совхозининг Х. Маматқулов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларининг пахтакорлари ҳам ғўзага биринчи ишлов бериш ишига қизғин киришиб кетдилар.

Г. ЮСУПОВ,
Қ. АЛМАМАТОВ,
Ҳ. ХОЛИҚОВ,
С. СУВОНҚУЛОВ,
Қ. КЕНЖАЕВ.

Далалардан ҚАРАКЛАР

ЧИНОЗ. Навоий номли колхознинг ўртоқ М. Абдуалимов бошлиқ тюпкочилар бригадаси аъзолари 55 гектар ерда 35 центнердан ҳосил етиштиришга сўз берганлар. Бригадир ўртоқ М. Абдуалимов тажрибали механизатор ҳамдир. У агрегат рулига ўтириб, кунига 7—8 гектар ерга чигит экди. Бригаданинг ҳамма майдонига чигит 60х50 сантиметрли схема билан квадрат-уялаб экилди. Ҳозир 30 гектар ердаги чигит кўм-кўк бўлиб униб чиқди, парвариш бошлаб юборилди. Артелнинг К. Ниёзов ва С. Мирзаахмедов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларида ҳам дала ишлари қизғин тус олиб кетди.

Й. Уринбоев.

* * *

СИРДАРЁ. Карл Маркс номли колхоз пахтакорлари бу йил 1250 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштириш учун курашмоқдалар. Артелнинг асосий майдонларига чигит режа сими тортиб экилди. Механизаторлардан С. Бадирбеков, А. Исмоилов, У. Эргашев, У. Мефаев, М. Мустафоев сингари ўртоқлар дала ишларини яхши ташкил этиб, кунлик нормаларини 120—130 процентдан адо этиб, катта ҳурматга сазовор бўлмоқдалар. Айниқса, Ленин орденли Ж. Бадалов бошчилик қилаётган бригада пахтакорларининг бажараётган ишлари мақтовга сазовордир. Бригада аъзолари 80 гектар ернинг 75 гектарига чигитни 60х60 схемаси билан экиб бўлдилар. Эндиликда ғўзанинг дастлабки парваришига киришилди.

У. Мамасолиев,
Х. Андақулов.

Халқаро аҳвол

Кубага қарши қуролли интервенция барбод бўлганидан кейин

ВАШИНГТОН, 4 май. (ТАСС). Қўшма Штатларнинг Кубага қарши ташкил этган қуролли интервенцияси барбод этилганидан жонсарак бўлиб қолган америка сенаторлари кеча ташқи ишлар бўйича сенат комиссиясининг ёпиқ мажлисида давлат секретари Дин Раскнинг сўзини тингладилар.

Комиссиянинг раиси сенатор Фулбрайт мажлисдан кейин қуйидагиларни айтди: Д. Раск Лаосдаги, Конгодаги аҳвол тўғрисида, Америка давлатлари ташкилотидаги аҳвол ҳақида ва бошқа масалалар юзасидан сенаторларга ахборот берди.

Давлат секретари, деди Фулбрайт, «муҳожирларнинг Кубага бостириб кириши муваффақиятсиз тамом бўлганлигини халокатли бир ҳол» деб тан олишдан ҳам уялмади.

Латин Америкаси ишлари бўйича сенат комиссиясининг раиси сенатор Морзе кеча бундай деди: Мен бошчилик қилаётган комиссия Куба проблемаси ва АҚШнинг бутун Латин Америкасига нисбатан тузган планлари муносабати билан текшириш ишларини давом эттириш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди.

ЯНГИ ФИТНА

ПАРИЖ, 5 май. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Богота шаҳридан хабар беришича, АҚШ президенти Жон Кеннеди Колумбия президенти Альберто Льерас Камаргога мактуб юбориб, «Куба проблемасини» ўрганиш учун Америка давлатлари ташқи ишлар министрларининг фавқулодда кенгашини чақиришни таклиф қилган. Колумбия Министрлар Совети ҳозир АҚШ президентининг бу мактубини ўрганмоқда.

Салазар маҳбусларининг ҳаёти сақлаб қолинсин

Португалия Коммунистик партиясининг баёноти

ЖЕНЕВА, 4 май. (ТАСС). Кеча «Ви Увриер» газетаси Португалия Коммунистик партиясининг баёнотини эълон қилди. Баёнотда шу нарса таъкидлаб ўтиладики, неча ўн минглаб португалияликларнинг сиёсий махбусларга умумий амнистия жорий қилиш ҳақидаги чақириғига жавобан Салазар сиёсий полицияси сиёсий махбуслардан, шу жумладан, хотин-қизлардан ҳам қаттиқ ўч олиш чораларини кучайтирмоқда.

Ана шу махбусларга вахшиёна азоб берилаётганлиги, дейилади баёнотда. Салазар ҳамда унинг сиёсий полициясининг сиёсий махбусларни йўқ қилишга қаратилган режаларининг таркибий қисмидир.

Португалия Коммунистик партияси Португалия маъмуларининг мудҳиш жиноятларини қоралаб, Лиссабон шаҳри аҳолисини ҳамда мамлакатдаги барча софдил кишиларни Салазар тюрмаларида азоб чекаётган неча юзлаб сиёсий махбусларнинг ҳаётини сақлаб қолишда ёрдам беришга даъват этади.

Португалия Компартиясининг раҳбарлари диктатор Салазарга тазиқ кўрсатиш ҳамда уни ўз жиноий планларини бекор қилишга мажбур этиш ҳақидаги чақириқ билан барча прогрессив халқаро ташкилотларга ҳам мурожаат қилдилар.

Теҳронда намойишлар давом этмоқда

ЛОНДОН, 4 май. (ТАСС). Ўқув юртларининг 20.000 дан ортиқ ўқитувчилари ва ўқувчилари 2 майда ўқитувчи Абулхасанхон Алининг ўлдирилганига қарши норозилик юзасидан бугун Теҳронда парламент биноси олдида намойиш ўтказдилар ва Эрон ҳукуматининг истефо беришини талаб қилдилар. Рейтер агентлигининг хабар беришича, парламент атрофида жуда кўп полиция кучлари ва қўшинлари тўпланган.

Намойишчиларнинг мажлис раиси ҳузурида бўлган вакиллари ўқитувчиларнинг иш ҳақини ошириш ҳақидаги талаблари қондирилмагунча ва ўз ўртоқларининг ўлимида айбдор бўлган кишилар дарҳол жозаланмагунча забастовкалар ва намойишлар давом этади, деб огоҳлантирдилар.

ТЕҲРОН, 4 май. (ТАСС). Теҳрон университетининг студентлари 4 май кунини полициячилар томонидан ўлдирилган ўқитувчи Абулхасанхон Али хотираси куни деб эълон қилдилар ва бугун машғулотларга бормадилар. Эрон жамоатчилиги ҳукуматдан полиция қилган жиноятнинг текширилишини ва айбдорларнинг жазоланишини талаб қилмоқда. Доктор Абулхасанхоннинг номи Эрон зиёлиларининг ўз ҳуқуқлари учун кураш символи бўлиб қолмоқда.

Ўлдирилган ўқитувчининг онаси юстиция министрлигига мурожаат этиб, ўз ўғлини ўлдиришда айбдор бўлган кишиларнинг жазоланишини талаб қилди. Абулхасанхоннинг онласида беш болаҳотини ва қари онаси боқувчисиз қолган.

Гитлерчи жиноятчиларнинг қурбонлари кўмилган қабр топилди

ВАРШАВА, (ТАСС). Собиқ гитлерчилар қамоқ лагери бўлган Гроссрозен территориясида гитлерчи жиноятчиларнинг қурбонлари кўмилган умумий қабр топилди. Польша матбуот агентлигининг хабар беришича, Польша прокуратурасининг, гитлерчилар жиноятларини текширувчи бош комиссиянинг ва суд медицинаси институтининг вакиллари бу қабрда 18 ёшдан 45 ёшгача бўлган бир неча ўнлаб эркакларнинг суяклари бор эканлигини айтганлар. Бош суякларида ўқ теккан жойлар ва қаттиқ қурол билан урилган излар топилган.

Е. А. Фурцева Парижга келди

ПАРИЖ, 5 май. (ТАСС) СССР маданият министри Е. А. Фурцева халқаро кинофестивали ташкилот комитетининг таклифига мувофиқ Канн шаҳрига бораётиб, бугун Парижга келди.

Ле Бурже аэродромида ўртоқ Фурцевани Совет Иттифоқининг Франциядаги элчиси С. А. Виноградов, элчихона ходимлари кутиб олдилар.

ХХР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

ПЕКИН, 4 май. (ТАСС). Америкада ишлаб чиқарилган ва Фуми Носаван — Бун-Ум исёнчилар тўдаси ихтиёрида бўлган С—47 типидаги самолёт 1961 йил 2 майда Юньнань вилояти устида Хитойнинг ҳаво масофаларини бузиб ўтди. Шу муносабат билан Хитой Халқ Республикасининг ташқи ишлар министрлиги норозилик билдирди. Баёнотда бундай дейилади: АҚШ Лаосга қарши бевосита ҳарбий интервенция қилишга актив тайёрланаётган ва Лаосда гражданлар урушини кенгайтириш ниятида бўлган бир пайтда бу можаро тасодифий бир ҳол эмас ва Хитой ҳукуматини жиддий ташвишлантирмай қололмайди. Носаван—Бун-Ум қўл остидаги исёнчилар тўдаси, дейилади баёнотнинг охирида, бундай бостириб киришларга дарҳол хотима бериши керак.

АФРИКАГА ОЗОДЛИК!

ҚОҲИРА, 4 май. (ТАСС). Касабланкадаги конференцияда қатнашган мамлакатлар ташқи ишлар министрларининг бу ерда ўтказилган кенгаши кеча ахборот эълон қилди. Ахборотда, жумладан, кўрсатиб ўтиладики, «Касабланка хартиясини» қабул қилган давлатларнинг ташқи ишлар министрлари Африка давлатларининг 1958 йилда Аккрада, 1960 йилда Аддис-Абебада ва 1961 йилда Касабланкада ўтказилган кенгашлари принципларидан ҳамда резолюцияларига мувофиқ равишда Африка давлатларининг Африкада озодликни консолидация қилишга ва унинг бирлигини мустаҳкамлашга қаратилган ҳамма умумий ҳаракатларида қатнашиш йўлидаги ўз мамлакатларининг ҳоҳишларини таъкидлайдилар.

НКРУМАНИНГ ТЕЛЕГРАММАСИ

ЛОНДОН, 4 май. (ТАСС). Гана президенти Нкрума кеча Хаммаршельдга юборган телеграммасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳимояси остида Конго парламентининг чақирилишини таклиф қилди.

Рейтер агентлигининг хабар беришича, Нкрума «Конго масаласини парламентнинг равшан баён этилган иродасига асосланмасдан ҳал этиш сиёсий беқарорлик ва тартибсизликдан бошқа ҳеч қандай натижа бермайди», деб таъкидлаган.

Бағдодлик пиллачилар изидан!

Турсун хола овсини Арофат опаларникига кириб, қуртхонани кўздан кечирабошлади. У овсинининг камчилигини топди шекилли, юзига жиддий тус бериб Арофат опага гап қотди.

— Ҳай овсин, бу нима қилганингиз. Сизнинг қуртларингизга шу вақтдан даста қўйиб бўлармишми?

— Бўлмасамчи, биринчи бўлганимга рашк қилаяпсизми, дейман.

ЛАВҲА

ПИЛЛАЧИ ДУГОНАЛАР

Турсун хола овсинининг дабдурустдан айтган гапига ҳангу-манг бўлиб, овсинининкидан бўшашиб чиқиб кетди.

Ачинмай бўладими ахир! Арофат опа ёшлигига борди-да. бўлмаса ҳовлиқиб нима қилар эди. Нишона кўрсатиши биланоқ дарров даста қўйсин деб ким айтувди унга. Битта-яримтаси пилла ўраши билан барг бермасдан қўйиш зиёнку!

Турсун хола тўрт йилдан бери колхозда биринчи бўлиб пилла топширади. Ҳеч вақт шошмайди, тажрибага суянади, агрономнинг айтганини қилади. Турсун хола бу йилги мавсумда янгиликни қўллади. Ипак қурти ёппасига дастага кирган биринчи кунда хона хароратини одатдагидан хиёл юқорироқ даражада сақлади. Эртасига эса 25 даражага туширди. Бундан кейинги кунларда ҳароратни аста-секин пасайтириб борди. Қуртларнинг пилласи бўлиқ, серипак бўлсин деб, катта даҳада қуртларга нуқул марвариддек тут дарахтининг барги едирди. Натижада қуртлар тез ривожлана бошлади ва тез нишона кўрсатди. Турсун холанинг қуртлари 15 кун деганда дастага кирди. Юксак рекорд-ку — бу! Ахир машҳур пиллачи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Олияхон Султонова методи билан боқилганда ҳам қурт 19 кунда дастага киради-да!

— Баргга тўйган қурт ниҳоятда нозик бўлади. — ҳикоя қилади Турсун хола. — уни безовта қилдингизми, тамом, пиллани қаерга ўрашини билмай, ўрмалаб юраверади. Буку, майли-я, ипагини ҳам чувиб юборади. Ундан кейин баргни аввалгидек солаверсангиз ғоя кўпайиб, қуртхонанинг намлиги ошади. Қурт дастага кирмай қўяди, касалланади. Барг ҳам исроф бўлади...

... Куни кеча колхоз агротехниги Асқар Очилов билан Турсун холаникида яна бўлдик. Кенг ҳовли саҳнида Турсун хола овсинларини ёрдамга чақириб, дасталардан сон-саноқсиз кумушдек пиллаларни териб олаётган эди. Бугун у жуда ҳурсанд кўринади.

— Овсиним Арофат хатосига тушуниб етди. — гап бошлади у, — эртасигаёқ ёрдамга чақирди мени. Хона ҳароратини дарҳол 25 даражага чиқариб майда қуртларни бошқа сўкчакка кўчирдик. Ҳозир унинг ҳам қуртлари пилла ўрайбошлади.

— Мўлжалингиз қанча? — деб сўраганимизда Турсун хола бироз ийманиб, ҳа деганда жавоб қила қолмади. Саволимизга Турсун холадан олдин ўртоқ Очилов жавоб берди:

— Ўтган йили ҳар қутисидан уч кам юз эди. Бу йил юз килодан ошираман деган ниятдалар. Пиллани қуритиб юбормай ўз вақтида териб олсалар ниятларига албатта етадилар...

М. МУСАЕВ,
Ш. ШОРАҲМЕДОВ.
Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз.

Суратда: (чапдан) пиллачи овсинлар — Арофат, Турсун ва Муҳар Ҳайдаровалар етиштирилган пилла ҳосилини териб олмоқдалар.

Ш. Шоражмедов фотоси.

Қундуз опа 104 центнер пилла топширди

СИРДАРЁ, 5 май (телефон орқали олинди). Максим Горький номли колхознинг илғор пиллачилари пилла қуртини жадал усулда боқиб тез кунда пилла ўрашини таъминладилар.

Моҳир пиллачи Қундуз Мирзаева айниқса яхши натижага эришди. У дастлабки кунларданоқ ишга пухта киришди. Унинг қуртлари тез кунда дастага кириб пилла ҳосили эрта тайёр бўлди. Шундай қилиб у бир қути қурт уруғидан районда биринчи бўлиб давлатга 104 килограмм аъло нав пилла ҳосили топширди.

БУГУН АРМАНИСТОН ССРНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ

СОЦИАЛИСТИК АРМАНИСТОН

О. М. БАГДАСАРЯН
Арманистон Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг Секретари

Улуғ Октябрь социалистик революцияси чор Россиясидаги меҳнаткашларнинг неча асрлардан бери эксплуатация қилиб келгнишига абадий барҳам берди, жаҳонда биринчи бўлиб ишчи ва деҳқонлар давлатини барпо этди. Бу революция миллий зулм занжирларини парчалаб ташлаб, мамлакатимизнинг илгари эзилиб келган халқларини озодликка олиб чиқди.

Совет Арманистони — Октябрнинг маҳсулидир. Арман халқи бир неча асрлар давомида ўз ери, ўз ватани учун, чет эл босқинчилари ва зўравонларига қарши қаҳрамонона кураш олиб борди. Аммо Октябрь революцияси туфайлигина у озодликка эришди, совет халқларининг қардошлик оиласида янги, бахтли-саодатли ва қувноқ ҳаёт қуришга киришди.

Биз Ўрта Осиё республикалари, Россиянинг ҳамма собиқ миллий ўлкалари сингари, Закавказье республикалари мисолида, — деган эди Н. С. Хрушчев Закавказье республикалари қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгашида сўзлаган нутқида, — Улуғ Октябрь революцияси, мамлакатимизда социализмнинг ғалабаси кичик халқларни эксплуататорлар ва чет эллик золимларнинг қирғинидан сақлаб қолганлигини кўрамиз. Социализм мамлакатимизнинг ҳамма халқлари учун катта ва кичик халқларнинг тенг ҳуқуқлилик ва дўстлик асосига қурилган чинакам гуллаб-яшнаш йўлини очиб берди.

Улуғ Совет Иттифоқининг тенг ҳуқуқли 15 республикасидан бири бўлган Арманистон Совет Социалистик Республикаси бугун ўз давлати яшаб келаётганлигининг ҳамда Арманистон Коммунистик партияси тузилганлигининг 40 йиллигини байрам қилади.

Шундай кунларда арман халқининг азоб-уқубат ва муҳтожлик билан тўлиб-тошган тарихи беихтиёр эсга тушади.

Икки дунё, жаҳоннинг иккита катта қисми — Европа ва Осиё чегарасида жойлашган, бир вақтлар қадимги Шарқнинг қудратли мамлакатларидан бири ҳисобланган Арманистон узуқсиз жанг ва босқин майдонига айланиб қолган эди. Бир истилочилар келиб кетиши билан уларнинг ўрнини бошқалари эгалларди. Гунлар, эронликлар, римликлар, араблар, византияликлар, салжуқийлар, мўғуллар, усмонли турклар мамлакат бўйлаб қуюн ва довулдек босиб ўтишди. Халқ қирғин келтирувчи даҳшатларнинг биридан эсҳушини йиғиштириб олишга улгурмасиданоқ яна бошқа бир даҳшат ёпирилиб келар эди. Яна шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлар, маданият хароб бўлар, меҳнаткаш аммалар ҳалок бўларди. Узлуксиз ва тенгсиз урушларда арман халқи ҳар тарафга тарқалиб тўзиб кетишга мажбур эди. Чет эллик зўравонлар арман халқининг жонажон ерини тортиб олган эдилар.

Дашноқлар шармандаларча ҳукмронлик қилган йилларда арман халқининг тақдири бундан ҳам фожиали тус олган эди. Бу йиллар арман халқи ҳаётида энг қоронғи кунлар, унинг асрлар давомидаги тарихида қонли саҳифалар бўлиб қолди. Арманистонни инглиз-француз интервентларининг Совет ҳокимиятига қарши таянч пунктига айлантирган дашноқлар уни очлик мамлакати, қочоқлар ва етимлар мамлакати қилиб қўйди. Ўлим ва очлик—дашноқлар «бошқарган» мамлакатда мана шуларгина ҳукмронлик қиларди...

Фақат Октябрь социалистик революцияси ва Ленин тузган коммунистик партия арман халқини муқаррар ҳалокатдан қутқариб қолди. Арман халқи биринчи марта ўз ватанига эга бўлди, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи улуғ оиласининг тенгҳуқуқли аъзоси бўлиб қолди.

40 йил — тарихда унчалик катта давр эмас, бироқ арман халқи ҳаётида бу йилларнинг асрларга тенг аҳамияти бор. 1920 йилнинг 29 ноябри бизнинг қоронғи тарихимизда бурилиш нуқтаси бўлди: Халқ асрлардан бери чекиб келган азоб-уқубат ва муҳтожликларнинг эшиги абадий ёпилди, янги ва қайтадан вужудга келган ҳаёт эшиклари очилди.

Ўтган 40 йил мобайнида арман халқининг ҳаёти сира таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бир вақтлар чор Россиясининг қолоқ ярим мустамлакаси бўлган Арманистон, юксак даражада тараққий этган индустриалашган-колхозлашган республикага айланди. Арманистон саноат корхоналарининг зич жойлашган тармоқлари билан қопланди. Чўл-биёбонлар ўрнида гигант қурилишлар қад кўтарди, улар мамлакатга ҳаёт бағишлади. Совет кишилари табиатга қарши курашга отландилар, дарёларнинг оқимини ўзгартирдилар, тоғларни портлатдилар, плугга муҳтож бўлган далаларни ҳайдаб ўзлаштириб олдилар.

Совет ҳокимияти йилларида Арманистонда ҳозирги замон социалистик саноати яратилди. 1960 йили республиканинг саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1913 йилдаги даражадан 70 марта ортиқ бўлди. Урушдан кейинги йилларда саноатнинг йиллик ўсиш суръати 14—17 процентни ташкил этди.

Арманистоннинг электр станциялари бир кунинг ўзида 1913 йили бутун бир йил давомида ҳосил қилинган қувватдан 1,4 мартадан кўпроқ электр қуввати ҳосил қилади. Аҳоли жон бошига ҳисобланганда бизда электр қуввати Франция, Италия, Япония ва бошқа кўпгина мамлакатлардагига нисбатан анча ортиқ даражада ҳосил қилинади. Кимё саноати, машинасозлик, асбобсозлик, станоксозлик, металл ишлаш, қурилиш материаллари саноати, ёғоч ишлаш ва озиқ-овқат саноатлари кенг қулоч ёйди. Бизнинг республикамиз узоқ Сибирга, Кубань, Украина, Қозоғистон, Қўриқ ўлка, Карелия, Молдавияга саноат маҳсулотлари етказиб бермоқда. Арманистоннинг ўнлаб турли хил саноат маҳсулотлари 37 чет эл мамлакатига экспорт қилинаётир.

Арман қишлоқларининг қиёфаси ҳам бутунлай ўзгариб кетди. Колхоз тузуми социализмнинг қишлоқда ғалаба қилишини таъминлади ва арман деҳқонларининг асрлардан бери давом этиб келган қашшоқлиги ва муҳтожлигига барҳам берди. 1919 йилдагига нисбатан дон, пахта, картошка, узум экинларининг майдони анча кенгайди, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ошди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўп даражада ўсди. Колхоз тузуми туфайли қишлоқ хўжалик ишларининг ҳаммаси асосан механизациялаштирилди.

Арманистоннинг социалистик далаларида ишлаётган меҳнаткашлар партиямизнинг XXI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларини бажаришда, йирик муваффақиятларни қўлга киритдилар. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати республикани Ленин ордени билан мукофотлаб, Арманистон колхозчилари, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари меҳнатини юксак баҳоладилар.

Республиканинг халқ хўжалиги меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмуш даражасининг муттасил ўсиши билан бирга юксалиб бормоқда. Ишчи ва хизматчиларнинг реал иш ҳақи йил сайин кўпайиб бораяпти, колхозчиларнинг даромадлари ортиб бораётир. Социал-маданий тадбирлар учун ҳам жуда катта маблағлар ажратилмоқда. Бу хилдаги маблағлар 1960 йилга келиб 1.646 миллион сўмни (эски пул ҳисобида), ёки республика давлат бюджетининг 50,9 процентини ташкил этди.

Меҳнаткашларнинг уй-жой ва турмуш шароитларини яхшилашга катта эътибор берилаётир. Ўтган 40 йил ичида республика шаҳарларида 3.325 минг квадрат метр уй-жой майдони қурилди. Шу давр мобайнида қишлоқларда колхозчилар учун 77 минг турар-жой қуриб битказилди.

Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш тубдан яхшиланди. 1913 йил Арманистонда ҳаммаси бўлиб 6 та касалхона ва 57 врач бор эди. Ҳозирги вақтда республикамизда врачлар сони ҳар 10 минг кишига ҳисоблаганда Туркияга нисбатан икки марта ва Эронга нисбатан 14 марта кўпдир.

Арман халқининг маданияти ўзининг кўп асрлик тарихига эга. Фақат Совет ҳокимияти йилларидагина арман халқининг маданияти чинакамига гуллаб-яшнади. Чоризм даврида аҳолисининг 90 проценти саводсиз бўлган Арманистон ҳозирги вақтда ёппасига саводхон мамлакатга айланди. 1918 —1919 йилларда Арманистонда ҳаммаси бўлиб 18 минг ўқувчини ўз бағрига олган 166 та мактаб бор эди. Эндиликда республикада 1200 дан ортиқ мактаб бўлиб, уларда 300 мингдан кўпроқ киши таълим олмоқда. 10 та олий ўқув юрти ва 38 та техникумда 37 мингдан ортиқ йигит ва қизлар билим олмоқдалар.

Арман халқининг фани, адабиёт ва санъати барқ уриб гуллади. Республиканинг илм-фан маркази бўлган Арманистон ССР Фанлар академияси бир неча ўнлаб академиклар ва корреспондент аъзоларга эга. Республиканинг 79 та илмий-текшириш муассасаларида 4 мингга яқин илмий ходим, шу жумладан 164 фан доктори ва 1502 фан кандидатлари ишламоқдалар.

Арманистон маданий оқартув муассасаларининг зич жойлашган тармоқлари билан қоплангандир. Китоблар, кино, радио, телевидение меҳнаткашларнинг турмушида мустаҳкам ўрин олди.

Совет Арманистонининг ҳаёти мана шунақа. Аракснинг нариги қиргоғидаги аҳвол қанақа? Капиталистик Эрон ва Туркия ўз бошқиларининг калтабинлик сиёсати юритаётганликлари туфайли Америка империализмининг ярим мустамлакасига айланиб қолди. Эрон аҳолисининг 85 проценти ва Туркия аҳолисининг 66 проценти саводсиздир.

Бизнинг эришган ютуқларимиз жуда каттадир. Аммо партия қўлга киритилган ютуқлар билан кифояланиб қолмасликка ўргатади. Партия танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг қулоч ёйдириш йўли билан ишдаги мавжуд камчиликларга қарши курашишга, янги, илғор прогрессив нарсаларга кенг йўл очиб беришга чақиради.

Республикамизнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳали кўпгина ҳал қилинмаган вазифалар турибди. Бир қатор корхоналар айрим муҳим турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича берилган топшириқларни бажармаётирлар. Янги ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жойлар, мактаблар ва бошқа биноларни фойдаланишга топшириш муддатларини бузиш фактлари учраб туради.

Қишлоқ хўжалиги ва шу жумладан чорвачилик соҳасида ҳали жиддий камчиликлар бор. Арманистон гўшт ва сут етиштириш, шунингдек дон, картошка, сабзавот, узум ва мева етиштириш бўйича етти йиллик план топшириқларидан орқада қолмоқда. Республика меҳнаткашлари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қолоқликни қисқа муддатда тугатиб, КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини шараф билан бажариш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Бугун, миллий байрам кунида арман халқи ўзининг қудратли Ватани—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига, улуғ Коммунистик партияга ўзининг бутун диққати ва фикри-зикрини қаратади, чуқур севги ва миннатдорчилик ҳис-туйғуларини яна бир карра изҳор этади.

Суратда: доцент Исроил Иброҳимов дипломант Асқар Абдуллаевга консультация бермоқда.
А. Абалян фотоси.

ЕВРОПА БЎЙЛАБ

Ўзбекистон туристларидан бир группаси Тошкентдан Москва орқали Одессага жўнаб кетди. Улар «Мария Ульянова» теплоходида Одессадан чиқиб, Кара, Мармар, Эгей, Ион, Тиррен, Ўртаер, Шимолий ва Болтиқ денгизлари ҳамда Атлантик океани оша саёҳат қилиб, Ригага қайтадилар. Республика туристлари йўл-йўлакай Стамбул, Пирей, Афина, Неаполь, Рим, Гавр, Париж, Тильберн, Лондон, Копенгаген шаҳарларини экскурсия қиладилар, бу мамлакатларнинг қадимий ёдгорликлари, диққатга сазовор жойлари билан танишадилар, шу шаҳарларнинг меҳнаткашлари билан учрашадилар.

Сафарга чиққанлар орасида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўлка экспериментал-медицина институтининг старший илмий ходими А. Обидов, Тошкент областидаги 22-аптеканинг мудири А. Ҳожиметов ва бошқа фан, маданият ходимлари, ишлаб чиқариш корхоналарининг намояндалари бор.

Худди шу маршрут бўйича яқин кунларда ўзбек туристларидан яна 21 киши сафарга чиқади.

Бу ажойиб ва мароқли саёҳат 25 кун давом этади.

Т. ЗУФАРОВ.

ЯНГИ ДЎСТЛАР ОРТТИРИШДИ

Пойтахтимизнинг пионер ва ўқувчилари Совет Иттифоқининг бошқа шаҳарларидаги ўз тенгдошлари билан мустаҳкам дўстлик алоқалари боғлашган. Сталин номидаги пионерлар саройининг талантли бадиий ҳаваскорлари Жория Олимхўжаева, Маъмура Орифжонова ва Жамид Зокировлар яқинда Эстония ССРнинг Таллин шаҳрига боришди. Уларни таллинлик пионерлар республика пойтахтида тўрт кун давом этган «Дўстлик байрами»га таклиф қилишган эди. Бу байрамга мамлакатимизнинг бошқа кўпгина шаҳарларидан ҳам меҳмонлар келишди. Тошкентлик пионерлар Таллиндан яна анчагина янги, ажойиб дўстлар орттириб қайтишди.

БОТВИННИКНИНГ ҒАЛАБАСИ ЯҚИН

Шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун реванш матчининг 18-партияси Ботвинникнинг ғалабаси билан тамом бўлди. Бу ўйин жаҳон экс-чемпионининг иккита ортиқча пиёдаси бўлгани ҳолда кечиктирилган эди. 4 майда Михаил Таль ўйинни давом эттирмасданоқ ўзининг енгилганлигини билдирди. Шундай қилиб, матч ҳисоби Михаил Ботвинник фойдасига 11,5:6,5 бўлди. Энди у матчда ғалаба қилиш учун яна битта очкони қўлга киритиши кифоя.

Реванш матчининг 19-партияси кеча 5 майда бошланди. М. Ботвинник оқ доналар билан ўйнади.

★

Янгийўл районида

ЯНГИ ЦЕХЛАР

Аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олиб, тикувчилик-галантерея фабрикасида янги трикотаж цехи ишга туширилди. Цех кўплаб трикотаж буюмлари ишлаб чиқара бошлади. Шунингдек, қурилиш материаллари заводида йилига ҳар хил размерда 250 тонна мих тайёрлайдиган цех ҳам очилди.

ЧИГИТНИ ТУКСИЗЛАНТИРАДИГАН МАШИНА

Пахта тозалаш заводларини лойиҳалаш ва автоматлаштириш Ўрта Осиё бюросининг инженерларидан Ю. Сажов ва Е. Юдин ўртоқлар ихтиро қилган чигитни туксизлантирадиган «3-СОМ» машинаси шаҳардаги пахта тозалаш заводида ишга туширилди.

САВДО ТОЧКАЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Сут заводи ёнида сут маҳсулотлари билан савдо қиладиган янги магазин очилди. Аҳоли бу ердан ҳаммавақт сут, ёг, қаймоқ, сузма сотиб олиши мумкин.

Шунингдек, «Победа» кинотеатри қаршисида универмаг, Янги ҳаёт кўчасидаги гўшт ва сабзавот магазинлари очилди.

Б. МИРЗААҲМЕДОВ.

Касаба союз йўлланмаси билан

Шу йилнинг I кварталида Оҳангарон шаҳридаги юк ташиш-транспорт бошқармасидан 45 киши касаба союз йўлланмаси билан санаторий ва дам олиш уйларида ҳордиқ чиқариб қайтдилар. Буларнинг тўртдан бир қисмига путёвкалар бепул берилган эди.

Йил охиригача яна 100 дан ортиқ ишчи курорт ва санаторийларга бориб дам олади.

А. КУКИЕВ.

ДИПЛОМ ЗАЛИДА

Институт биносининг тўртинчи қаватига кўтарилиб, «Диплом зали» деб ёзиб қўйилган катта залга кирдик. Йигит-қизлар чертёж тахталарига энгашган ҳолда ижодий иш билан банд эдилар. Ҳаммаёқ жимжит. Фақат китобларнинг варақланиши, чизғич ва лекалаларнинг, ҳисоблаш логарифмик линейкаларининг ҳаракатигина тинчликни бузади. Залнинг деворларига дипломантлар чизган чертёжлар қатор осиб қўйилган.

— Бу ерда 70 киши диплом лойиҳаси устида ишламоқда.— дейди биз билан суҳбатда темир йўлни эксплуатация қилиш факультетининг доценти, техника фанлари кандидати Убай Тўлаганов.— Дипломант-студентларга институт партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари томонидан катта қулайликлар яратиб берилган.

Диплом залида ҳамавақт консультантлар бўлади. Студентлар тушунмаган саволни шу жойнинг ўзида консультантдан сўраб оладилар.

Студентлар диплом лойиҳалари актуал темаларга бағишланган.

— Менинг диплом темам портовой станциясининг лойиҳаси деб аталади. — дейди дипломант А. Абдуллаев. Бу йигит дипломолди практикаси вақтида бир неча портовой станцияларда бўлиб, қимматли материаллар тўплаган экан. Ўртоқ А. Абдуллаев диплом лойиҳаси устидаги ишини туғатиш арафасида турибди.

Ҳаракатни ташкил қилиш кафедрасидан диплом лойиҳаси ёзаётган Олия Орешина ва Тамара Курносоваларнинг темаси ҳам диққатга сазовор. Улар «Фрунзе бўлинмаси станцияларида 1962—65 йилларда поездлар ҳаракатини ташкил қилиш» деган тема устида қунт билан ишламоқдалар.

Саноат ва граждан қурилиш факультетининг диплом залларида ҳам илмий ҳаёт қизғин. Бўлажак қурувчи-инженерлар ўз диплом лойиҳаларида янги қурилиш машиналаридан рационал фойдаланиш тўғрисидаги масалаларни ўртага ташламоқдалар. Шу факультет студенти Мираҳмад Саъдиев енгил бетон конструкциялари заводи лойиҳасини Қарши шаҳар шароитига мослаб ишламоқда.

Шу кунларда Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институтининг 16 та диплом залида 556 студент диплом лойиҳалари устида ишлаётир. Уларнинг кўпчилиги институтни битириш олдидан комсомол комитетига ариза ёзиб, қўриқ ва бўз ерларга ишга бориш истакларини билдирмоқдалар. Бу ёш мутахассислар июль ойида мустақил ишлаш учун ҳаётга йўлланма оладилар.

М. СУЛТОНОВ.

ҚИШЛОҚ МЕРГАНИ

Яқинда Облик посёлка Советига қарашли Олдин қишлоғида яшовчи Б. Аҳмедовнинг сигири қашқирларга ем бўлди. Бу кўнгилсиз воқеадан дарҳол Фораҳ ака ҳам хабар топди.

... Фораҳ ака қишлоқда мерганлик билан ном чиқарган. Мана ов анжомлари ва итини олиб, қашқир изига яна тушди. Икки кунлик изланишдан сўнг, тоғ бағридаги четанзор атрофида овчи қашқирнинг увуллаган овозини эшитиб қолди. У ўзини панага олиб, олдиндан қоқон қўйилган майдонни кузата бошлади. Ниҳоят қашқир ҳам ўлжа кўргандек, қоқонлар томон келаверди ва биринчи қоқонгаёқ орқа оёғи билан илинди. Аммо қашқир куч билан бир депсинган эди қоқон ҳам бардош беролмай, уни «бўшатиб юборди». Қашқир уч оёқлаб қамишзор ичида ғойиб бўлди.

Бу муваффақиятсизлик Фораҳ аканинг кайфиятини бузмади. У яна ярим ой чамаси тоғни кезиб, ниҳоят учта қашқирни қўлга тушириди. Булар орасида орқа оёғи яраланган бояги қашқир ҳам бор эди.

Қишлоқ аҳолиси, ферма ишчилари ўзларининг моҳир мергани Фораҳ Багавуддиновга миннатдорчилик билдирдилар. Оҳангарон тайёрлов конторасси абжир овчига ўқ-дори ва пул мукофоти тақдим этди. Совхоз маъмурияти ҳам қимматбаҳо мукофот берди.

Т. ШЕРАЛИЕВ.

Телевизор экранида

6 МАЙДА

18.30. Ўқувчилар учун ўзбек тилида «Ёш радио ҳаваскорлар» деган эшиттириш.

19.00 Телевизион янгиликлар.

19.20. «Киноаппарат билан тайга ва тундра бўйлаб саёҳат».

19.50. Ота-оналар учун «Агар ҳамма ота-оналар...» деган эшиттириш.

20.00. Радио кунига бағишланган концерт олиб кўрсатилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.



Арманистон ССР. Зангезур тоғи жуда кўп турли хил табиий қазилмаларга бой. Ҳозир бу ерда яна бир улкан янги корхона — Агаракс мис — молибден комбинати жадал суръатлар билан қурилаётир. Суратда: комбинатнинг бойитиш фабрикаси маъдан майдалаш корпусининг қурилиши.

А. Бадалян фотоси.

(ТАСС фотохроникаси).

ТОШКЕНТНИНГ тамоша заҳарида

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/V да эрталаб **Этик кийган Мушук**, кечқурун **Маскарад**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/V да **Ганг дарёсининг қизи**, 7/V да **Гамлет**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/V да **Ошиқ Ғариб**, 7/V да **Ранс уйланармиш**.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Яна тонг отди — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Хайр, каптарлар — «МИР», (кундуз ва кечқурун).

Келгуси баҳоргача — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 11 да).

Қизил сиёҳ—«ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Киши суратини мен чизганман—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).

Доктор Айболит — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да), «СПУТНИК» (эрталаб 10 ва кундуз 12 да).

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Довулдан кучли — «ВАТАН» (кеч соат 8 ярим ва 10 да), КАФАНОВ номли (кеч 8-45 ва 10-20 минутда).

Келгуси баҳоргача — НАВОИЙ номли (кеч соат 9 ва 10 яримда), ПУШКИН номли (кеч соат 8-40 ва 10-20 минутда).

Яна тонг отди — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 8-45 минут ва 11 да).

Хайр, каптарлар — «ПОБЕДА» (кеч соат 9 ва 11 да).

«ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА 7 майда
ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ БИРИНЧИ
спартакиадасининг тантанали очилиши

Программада: спартакиадада қатнашувчи спортчилар ва Тошкент вакилларининг паради, «Ёш қуч», «СКА», Физкультура институти спортчиларининг оммавий гимнастика ўйинлари, енгил атлетикадан спартакиада программаси бўйича финал мусобақалар, акробатлар чиқиши, мотоцикл ва велосипед пойгаси, отда тўсиқлардан ўтиш, «Химик» (Чирчиқ) — «СКА» (Тошкент) командалари ўртасида футбол.

Кеч соат 6 да бошланади. Таклиф билетлари билан кирилади.

Ўзбекистон спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи совети.

«ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГОСТРОЙ» ТРЕСТИГА

Тошкентда ва жойларда қурилиш-монтаж бошқармаларининг бош инженерлари, бўлим бошлиқлари, инженерлар ва старший инженерлар вазифасида ишлаш учун саноат-граждан ва гидротехника иншоотларини қурувчи инженерлар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 22-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасси
КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА
ЯНГИ КИНОПОВЕСТЛАР ЧИҚАРАДИ.

МУЗИКА КОМАНДАСИ ЙИГИТЛАРИ

Сценарий автори — **М. Шатирян.**
Постановкачилар — **Г. Малян, Г. Маркарян.**
Оператор — **И. Дильдарян.**
Р о л л а р д а:
Л. Тухикян, Ф. Мкртчян, А. Хостикян ва бошқалар қатнашади.
Фильмни «Арменфильм» киностудияси ишлаган.

НОМСИЗ ОРОЛ

Сценарий авторлари — **Чжао Чжун, Ду Бин-жу, Гуан Шинань, Ван Кай.**
Режиссёр — **Се Те-ли.**
Оператор — **Чжан Цин-хуа.**
Р о л л а р д а:
Ли Бай-вань, Чжао Вань-да, Ли Линлар қатнашади.
Фильмни Хитой Халқ Республикасининг Пекин киностудияси ишлаган.

65-МАКТАБ

6 май кеч соат 6 да **мактабни тамомлаган ўртоқлар билан**

учрашув кечаси

ўтказади.

Мактабнинг адреси: Аэроплан кўча, 69-уй.

УЗБЕКИСТОН ССР ГИДРОМЕТСЛУЖБА БОШҚАРМАСИГА
бош бухгалтер

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Киров район, Астрономия кўчаси, 31-уй. Телефон — 32.067, 27-243.

Олмаота шаҳар, Армавир кўчаси, 4-уйда турувчи **Фармон Шарипович Жалиловнинг** Тошкент шаҳар, Ҳамза кўчаси, 15-тупик, 38-а уйда турувчи Антонина Григорьевна Долговадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Пеньков кўчаси, 18-уйда турувчи **Тўрон Абдураҳмонович Саидалиевнинг** Тропическая кўчаси, 46-уйда турувчи Ўлмасниса Мирсобитовна Саидалиева (Миракбарова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Қизилтовуш кўчаси, Қирқғунча тупик, 19-уйда турувчи **Григорий Борисович Галибовнинг** шу уйда турувчи Вера Семёновна Прокудинадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 6-участка халқ судида кўрилади.

Қорамурт кўчаси, 57/2-уй, 6-квартирада турувчи **Лидия Михайловна Фомичеванинг** Навоий кўчаси, 3-уй, 16-квартирада турувчи Борис Иванович Фомичевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг адреси: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Прочаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Секретариат 34808, 115. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Хатлар бўлими — 34048, 156. Эълонлар бўлими — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 01577. Нашр. В. 1590.